

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ЗИЯЕВ ШОХРУХМИРЗО АБДУМАННОБ ЎҒЛИ**

**НЕОНАТАЛ СЕПСИСДА ТИМУСНИНГ МОРФОЛОГИК ВА  
МОРФОМЕТРИК ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.15 – Патологик анатомия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ– 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)**

**Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)**

<b>Зияев Шохрухмирзо Абдуманноб ўғли</b> Неонатал сепсисда тимуснинг морфологик ва морфометрик ўзига хос хусусиятлари .....	3
<b>Зияев Шохрухмирзо Абдуманноб угли</b> Морфологические и морфометрические особенности тимуса при неонатальном сепсисе.....	24
<b>Ziyayev Shohruhmirzo Abdumannob ugli</b> Morphological and morphometric features of the thymus in neonatal sepsis.....	45
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	49

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ЗИЯЕВ ШОХРУХМИРЗО АБДУМАННОБ ЎҒЛИ**

**НЕОНАТАЛ СЕПСИСДА ТИМУСНИНГ МОРФОЛОГИК ВА  
МОРФОМЕТРИК ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.15 – Патологик анатомия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ– 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib941 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида [www.tma.uz](http://www.tma.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Исраилов Ражаббой**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Нишанов Данияр Анарбаевич**

тиббиёт фанлари доктори

**Расулов Хамидулла Абдуллаевич**

тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд Давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2. Тел./факс: (99878) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru). Тошкент тиббиёт академияси, 1-ўқув биносининг мажлислар зали).

Диссертацияси билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тошкент тиббиёт академияси, 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1 қават, 7-хона. Тел./факс: (99878) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г.И.Шайхова,**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Ж.Эрматов,**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Р.Дж.Усманов,**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ташки омиллар таъсирига организмнинг бардош бериш хусусияти ҳар бир аъзонинг структур ва функционал ўзига хослигига боғлиқ. Қатор олимлари маълумотлари бўйича «...чақалоқлар орасида сепсиснинг учраш даражаси 0,1%-0,8% гача, чала туғилганларда 1,0%, 1500 грам. гача туғилганларда эса 16% ҳолларда кузатилади.....»<sup>1</sup>. Расмий маълумотлар бўйича «...Россияда сепсис билан касалланиш 1000 та чақалоқнинг 0,28 тасида учрайди ва бу кўрсаткич йилдан-йилга ортиб бормоқда....»<sup>2</sup>. Бунда, чақалоқлар аутопсияси маълумотлари бўйича «.....туғилганда вазни 1000 граммдан кам вафот этганларнинг 32% да, 1000-2000 грамм – 22%, 2000-3000 грамм – 16%, 3000 граммдан юқори вазнлиларнинг 10%да аниқланган....»<sup>3</sup>. Сепсис касаллигидан ўлим кўрсаткичи доимий ҳолда 30-40% ни ташкил қилади. Бунга сабаб чақалоқнинг туғилиш ва организм биоценозининг тикланиш пайтида носпецифик химоя механизмлари, жумладан, шиллиқ пардалар тўсиғи, иммунитет, фагоцитознинг тўлиқмаслиги, комплемент ва плазманинг бошқа протеолитик ферментлар тизими паст даражада эканлиги ҳисобланади. Ҳар қандай инфекция, жумладан, сепсис ҳам кучли экстремал таъсирот ҳисобланади. Натижада иммун тизимнинг марказий аъзоси тимус функционал ҳолати зўриқишга учраб, унинг тўқимасида акцидентал инволюция (АИ) ривожланади. Тимус функционал ҳолатининг зўриқиши бирламчи сепсис ўчоғидаги макрофаглар ишлаб чиқарадиган интерлейкинларнинг таъсирида амалга ошади.

Жаҳонда неонатал сепсисда тимуснинг морфологик ва морфометрик ўзига хос хусусиятлари баҳолаш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада туғруқ даврида бош мия жароҳатидан вафот этган чақалоқлар тимусининг морфологик ва морфометрик ҳолатини назорат гуруҳи сифатида қиёсий асослашдан иборат. Сепсис оқибатида тимусда ривожланадиган патоморфологик жараёнлар ва акцидентал трансформация фазаларининг учраш даражасини таҳлил қилиш ҳамда тимусда ривожланадиган патологик ҳолатларга хос тўқима структур бирликларининг морфометрик кўрсаткичларини ҳисоблаш тизимини ишлаб чиқишдан иборат. Неонатал сепсисда тимуснинг қон томирлар, стромаси, пўстлоқ ва мағиз қаватлари гистотопографиясига боғлиқ ҳолда ривожланадиган ўзига хос морфологик ўзгаришларни ҳамда тимусда ривожланадиган морфологик ва морфометрик ўзгаришлар асосида чақалоқлар организмда сепсис таъсирида

---

<sup>1</sup> Антонов А.Г., Байбарина Е.Н., Соколовская Ю.В., Евтеева Н.В. Объективные диагностические критерии сепсиса у новорожденных // Вопросы гинекологии, акушерства и перинатологии. – 2005. – Т. 4. – №5-6. – С. 113-115.

<sup>2</sup> Кислюк Г.И., Хрипков М.И. Возрастные аспекты сепсиса у детей // В сборнике: «Международной научной конференции, посвященной 83-летию Курского государственного медицинского университета» в 2х томах. Под редакцией В.А. Лазаренко. – 2018. – С. 434-437.

<sup>3</sup> Щеголев А.И., Мишнёв О.Д., Туманова У.Н., Шувалова М.П. Неонатальный сепсис как причина перинатальной смертности в Российской Федерации // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. – 2016. – №5-4. – С. 589-594

юз берадиган иммун танқислигини башоратлаш тартибини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, турли хил шароитларда юзага келадиган сепсисни олдини олиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>4</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларнинг бажарилиши ҳомиладор аёлларда ҳамиладорликнинг меъерий кечилишини таъминлаш билан биргаликда турли касалликлар оқибатида юзага келадиган сепсис ва неонатал сепсисни ташхислаш ва даволашнинг замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали ногиронлик ва ўлим даражасини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тимус организм иммун ҳимоясининг марказий аъзоси, бўлиб, фаоллашмаган лимфоцитларнинг кўп миқдорда нобуд бўлишини Т-лимфобластларнинг танлаб фаолланиши учун зарур жараён деб ҳисобланади. Тимусдаги реактив ўзгаришлар буйрак усти безида функционал ўзгаришлар ва қонда глюкокортикоидлар даражасига бевосита боғлиқ ҳолда ривожланади (И.Л.Сарилова,2012; Н.Ю.Тарасова,2017). Тимуснинг ёшга боғлиқ инволюцияси аъзо тўқимасининг қайта тузилиши билан давом этиши, ёғ ва фиброз тўқима билан қопланади. Шунингдек, атрофия тимус бўлаклари майдони

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

ўлчамларининг кичиклашиши билан намоён бўлади. Бўлакчаларнинг пўстлок қавати қалинлиги ҳам камаяди. Мағиз қават майдони дастлаб кенгайиб, кейинчалик кичиклашади ва Гассал таначалар (ГТ) кистоз бўшлиқларга айланади. Тимусда ёғ тўқимаси бўлакчаларнинг чет қисмидан бошлаб ўсиб кўпайиб, унинг паренхимасига тарқалади. Сепсис ва инфекцион жараён узок вақт давом этганда тимусда инволютив ўзгаришлар жадаллашади, лимфоцитлар сони кескин камайиб, тимус бўлакчалари бужмаяди, ретикулоэпителийнинг дегенератив ўзгаришга учраши авж олиши кузатилади (А.Г.Беловешкин, 2012, 2017; В.В.Гусельникова, 2013; И.М.Кветной, 2015). Тимуснинг акцидентал инволюцияси Т-лимфоцитли иммун жавобнинг морфологик белгиси бўлиб, тизимли яллиғланиш жараёнининг (ТЯЖ) объектив мезони ҳисобланади. Тимус функционал ҳолатининг зўриқиши бирламчи сепсис ўчоғидаги макрофаглар ишлаб чиқарадиган интерлейкинларнинг таъсирида амалга ошади. Маълумки, бола туғилгандан кейин «она-йўлдош-бола» тизими парчаланади ва бола ташқи муҳитга мослашиш жараёнида ички суюқлик муҳитига инфекция тушиш хавфи юқорилиги, олдиндан организмнинг ҳимоя механизмлари, жумладан, иммун тизим ҳам тайёр ҳолатда туради. Агар инфекция юқадиган бўлса, бола организмда антимиқроб ҳимоя реакциясининг барвақт ишга тушишига, кўпинча Т-ҳужайрали иммунитет, баъзида гуморал иммунитетнинг кўшилишига, ҳамда доимо моноцитли-макрофагал тармоқнинг бевосита иштирокига олиб келади. Бунда макрофагларнинг ўзига хослиги цитокинлар ишлаб чиқариши ҳисобланади ва бу эса чақалоқ организмда адекват ҳолда тизимли яллиғланиш реакциясининг ривожланишига сабабчи бўлади (Д.А.Батурин, 2014; В.Я.Арион, 2018). Хорижий илмий адабиёт маълумотлари бўйича меъёрий ҳомиладорликда қиничи биоценозининг бузилиши 9,3% ҳолларда кузатилади. Агар амнион парда барвақт етилса бу кўрсаткич 72,9% гача кўтарилади. Яна бир маълумот алоҳида қизиқиш уйғотади, яъни ҳомиладорликнинг 3-триместрида қин ичи суюқлигида 27,2% В гуруҳдаги стрептококк аниқланади ва у чақалоқлар туғма сепсисининг асосий кўзгатувчиси ҳисобланади (А.Н.Аксенов, 2015; В.В. Вельков, 2016; I.N.Celik, 2013).

Ўзбекистонда турли аъзо тизимларнинг функционал ҳолатининг турли касалликлар натижасида юзага келадиган патологик ўзгаришларни баҳолашда қатор муаллифлар иш олиб боришган (М.С.Абдуллаходжаева, 2000; 2010, Р.И.Исроилов, 2018; Б.А.Магруппов, 2015; Х.З.Турсунов, 2016) бироқ, неонатал сепсисда тимуснинг морфологик ва морфометрик ўзига хос хусусиятлари тўлиқ ўрганилмаган.

Юқоридаги маълумотларга қарамадан сепсисда иммун тизимнинг ҳам марказий, ҳам периферик аъзоларининг морфофункционал ҳолати етарлича ўрганилмаган ҳисобланади. Мавжуд маълумотлар тимуснинг асосан лимфоид ва ретикулоэпителий тўқимасига қаратилган. Лекин, инфекцион касалликларнинг таъсир механизмларидан ва тимуснинг гистоархитектоникасидан келиб чиқиб, бирламчи ва энг муҳим ўзгаришлар ривожланадиган унинг қон томирлари ва стромаси, пўстлок қаватининг

тузилиш жиҳатдан ўзига хослиги, мағиз қаватининг лабил ва тез ўзгарувчанлиги кам ўрганилган. Тимусда юз берадиган инволютив ўзгаришларнинг бевосита сабаблари, морфогенези ва морфологик хос белгилари етарлича ўрганилмаган. Жумладан, инволюциянинг атрофик даврига келиб ретикулоэпителий хужайраларнинг ретикуляр хужайраларга ва фиброцитларга айланиши, тўқимасида ёғ ва бириктирувчи тўқиманинг ўсиши кам ўрганилган. Гассал таначаларнинг кўп жойни эгаллаб, кисталар пайдо қилиши ҳақидаги маълумотлар ҳам бир-бирига қарама-қарши ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Суд тиббий экспертиза объектларини текшириш ва эксперт баҳолашнинг янги имкониятлари, омиллар ҳамда уларни коррекциялаш йўлларига сабаб бўлувчи экспериментал патологиянинг ҳар хил шаклларида организм ҳаёт фаолияти параметрларининг функционал метаболик ва тузилишли тавсифи» (2014–2018) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Тимуснинг ўзига хос гистоархитектоникасидан келиб чиқиб неонатал сепсисга қарши жавоб реакциясида ривожланадиган морфологик ва морфометрик ўзгаришларни баҳолашни такомиллаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

туғруқда бош мия жароҳатидан нобуд бўлган чақалоқлар тимусининг морфологик ва морфометрик ҳолатини назорат гуруҳи сифатида баҳолаш;

сепсис оқибатида тимусда ривожланадиган патоморфологик жараёнлар ва акцидентал трансформация фазаларининг учраш даражасини таҳлил қилиш;

сепсис оқибатида тимусда ривожланадиган патологик ҳолатларга хос тўқима структур бирликларининг морфометрик кўрсаткичларини ҳисоблаш;

неонатал сепсисда тимуснинг қон томирлар, стромаси, пўстлоқ ва мағиз қаватлари гистотопографиясига боғлиқ ҳолда ривожланадиган ўзига хос морфологик ўзгаришларни баҳолаш;

тимусда ривожланадиган морфологик ва морфометрик ўзгаришлар асосида чақалоқлар организмида сепсис таъсирида юз берадиган иммун танқислигини башоратлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2014-2018 йилларда Республика патологоанатомик марказнинг болалар бўлимида аутопсик текшириш вақтидан истисно сепсиснинг ҳар хил туридан ўлган 83 нафар ҳамда бош мия жароҳатидан нобуд бўлган 18 нафар чақалоқлар тимуси олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида неонатал даврда сепсисдан вафот этган чақалоқлар тимусидаги патоморфологик ўзгаришлар ва морфометрик кўрсаткичлари материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда морфологик, морфометрик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.



### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

бош мия жароҳати билан туғилиб нобуд бўлган чақалоқлар тимуснинг ангиоархитектоникасида ўзига хос томирлар тўри мавжудлиги, артерияларнинг асосий тармоғи паракортикал соҳадан ўтиб, пўстлоқ қаватини қон билан таъминлаши асосланган;

пўстлоқ қават капиллярлар девори мустаҳкам, мағиз қаватники эса ўтказувчан, қаватлар чегарасидаги посткапилляр венулаларни деворида Т-лимфоцитларнинг мавжудлиги, уларнинг шу соҳадан қонга миграцияланишидан далолат бериши асосланган;

тимуснинг меъерий ва патологик ҳолатлари морфологик белгиларини баҳолаш натижасида неонатал сепсис таъсирида чала туғилган чақалоқларга нисбатан муддатида туғилганлар тимус гипоплазияси 8,8%га, инерт тимус 4,7%га, тимомегалия 4%га кўп ва аксинча акцидентал трансформация даражалари ўртача 13,9% га кам ривожланиши исботланган;

неонатал сепсис таъсирида тимусда ривожланган акцидентал трансформациянинг IV-V-даражасида пўстлоқ қават қалинлиги меъёрга нисбатан 959,1 мкмгача, мағиз қаватники эса 724,4 мкмгача юққалашганлиги, меъёрга нисбатан акцидентал трансформациянинг V-даражасида пўстлоқ қават индекси 0,5 гача камайганлиги, пўстлоқ қаватдаги лимфоцитлар зичлиги эса 146 тагача тушганлиги, мағиз қават таркибидаги Гассал таначалар сони акцидентал трансформациянинг III-даражасида 12,5 тага кўпайиб, акцидентал трансформациянинг V-даражасида яна 4,3 тагача камайиши асосланган;

сепсис оғир ва узоқ вақт давом этадиган инфекцион жараён бўлганлигидан тимусда қайтмас даражадаги акцидентал трансформация ва иккиламчи атрофия ривожланиши, иккиламчи иммун танқислигининг асосий морфологик белгиси исботланган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

неонатал сепсиснинг иккала шаклида ҳам тимусда туғма даражадаги патологиялар, яъни гипоплазия, инерт тимус ва тимомегалияларга хос патоморфологик ўзгаришлар тасдиқланган;

сепсиснинг аксарият ҳолларида тимус қайтмас даражадаги инволюцияга учраганлиги, морфологик жиҳатдан пўстлоқ қаватида ретикулез, склероз ва липоматоз, мағиз қаватида ГТларнинг кистози, некрози ва кальцинози баҳоланган;

туғруқда бош мия жароҳатидан нобуд бўлган чақалоқлар тимусини морфологик ва морфометрик жиҳатдан ўрганиш пўстлоқ ва мағиз қаватлари ангиоархитектоникасининг ўзига хослигини кўрсатган;

чақалоқлар сепсисда тимуснинг қон томирлар, стромасидаги патоморфологик ўзгаришлар бу касалликка хос дастлабки ва асосий жараёнлар бўлиб, уларнинг оқибатида лимфоцитлар миқдори кескин камайиб, аъзо тўлиқ атрофияланишгача инволюцияланиб борган;

сепсис жараёнида тимусда ривожланадиган ўзгаришлар мажмуаси организм иммун тизими морфофункционал ҳолатини баҳолайдиган кўзгу эканлиги ва унинг асосида бу касалликка чалинган чақалоқлар иммун тизими

ҳолатини проспектив ҳолда башоратлаш мумкинлиги тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган морфологик, морфометрик, гистологик ва статистик текширув усуллари асосида неонатал даврда сепсисдан нобуд бўлган чақалоқлар айрисимон безида ривожланган патоморфологик ва морфометрик ўзгаришларнинг ўзига хослиги ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг назарий аҳамияти тимуснинг меъёрий морфологик ҳолатидаги, жумладан ангиоархитектоникаси, капиллярлар ва посткапилляр контомирлар тўрининг ўзига хос тузилиши ҳақидаги маълумотлар бу аъзони гистология фанида ўрганишда қўлланилиши чақалоқлар сепсисига хос морфологик ўзгаришлар томирлар деворида дастлаб пўстлоқ қават кейин эса мағиз қават артериолалар, капиллярлар ва посткапилляр венулаларда, унга кўшимча ретикуляр стромаси ва лимфоцитларда ривожланадиган ўзгаришлар, охир-оқибатда тимуснинг инволюцияланиши ҳақидаги маълумотлар чақалоқлар сепсисини клиник-морфологик баҳолашда ва бу касалликнинг неонатологлар ва педиатрлар томонидан патогенетик давосини режалаштиришда фойдаланиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти аутопсия материалидан фойдаланиб чақалоқлар сепсиси касаллиги таъсирида тимусда юз берадиган морфологик ва морфометрик ўзгаришлар асосида яратилган алгоритмли дастур сепсис жараёнида организм иммун тизими морфофункционал ҳолатини ҳам ретроспектив, ҳам бу касалликка чалинган чақалоқларда проспектив усулда баҳолашга шароит яратилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Неонатал сепсисда тимуснинг морфологик ва морфометрик ўзига хос хусусиятлари баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Неонатал сепсиснинг морфологик ва морфометрик баҳолаш алгоритми» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 25 июндаги 8н-д/79-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномада неонатал сепсисда тимуснинг морфологик ва морфометрик ўзига хос хусусиятлари баҳолаш, касалликларни ўз вақтида самарали даволаш тартибини тизимли ташкиллаштириш имконини берган.

Неонатал сепсисда тимуснинг морфологик ва морфометрик ўзига хос хусусиятларини морфологик ташхислаш ва даволаш тартибини такомиллаштириш асосида олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика суд тиббий экспертизаси илмий-амалий маркази Андижон филиали ва Республика шошилич тез ёрдам илмий маркази Андижон филиалининг патологик анатомия бўлимига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 07 августдаги 8н-з/100-

сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши оғир ва узоқ вақт давом этадиган инфекция жараёнда, яъни, сепсисда тимусда қайтмас даражадаги акцидентал трансформация ва иккиламчи атрофия ривожланиши, иккиламчи иммун танқислигининг асосий морфологик белгиси асослаш тартибини жорий қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманда муҳокама қилинган, жумладан, 1 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазибалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Неонатал сепсисдан тимуснинг таъсирида патоморфологик ўзгаришларига замонавий қарашлар»** деб номланган биринчи бобида мавзуга тегишли хорижий ва маҳаллий илмий манбалар таҳлили келтирилган. Тимуснинг эмбриогенези, анатомио-гистологик тузилиши ва физиологияси, унинг акцидентал трансформацияси, сепсис патогенези ва унда тимуснинг морфофункционал ҳолати, сепсисда организм ҳимоя тизимлари ва кўрсаткичлари изоҳланган. Мазкур муаммоларнинг ўз ечими топилиши лозим бўлган жиҳатлари белгиланган.

Диссертациянинг **«Неонатал сепсисдан тимуснинг таъсирида патоморфологик ўзгаришларни баҳолаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида материал ва тадқиқот усулларининг баёнига бағишланган. Ушбу илмий ишда неонатал даврда сепсиснинг ҳар хил шаклларида вафот этган 83 (82,2%) нафар чақалоқларнинг аутопсия материалларини ҳамда бош мия жароҳатидан вафот этган 18 (17,8%) нафар чақалоқлар тимуси ўрганилган ва олинган натижалар таҳлил қилинган. Жами материал 101 нафар болалар аутопсиясидан иборат. Материаллар Республика

патологик анатомия маркази болалар патологияси бўлимида амалга оширилган аутопсия материалларидан олинган. Улардан 18 (17,8%) таси (яъни бош мия жароҳатидан нобуд бўлган чақалоқлардан олинган материаллар) назорат гуруҳи сифатида ўрганилган.

Жами 83 та аутопсия материалидан 47 (56,6%) таси чала туғилганлар, 36 (43,4%) таси етилиб туғилганларни ташкил қилган. Жами 47 та аутопсия материалидан IV-даражали чала туғилганлар 7 (14,89%) нафарни, кейинги гуруҳларга мос равишда III-даражали – 11 (23,4%) нафарни, II-даражали – 14 (29,78%) нафарни ва I-даражали оғирликдагиларни 15 (31,91%) нафар чақалоқлар ташкил этди. Уларнинг ўлим сабаблари ичида ҳар хил турдаги пневмопатиялар биринчи ўринни эгаллади, яъни 36,17%. Ҳомила даврида орттирилган инфекциялар – 23,4%, чала туғилган чақалоқларнинг морфо-функционал етилмаганлиги – 17,03%, ҳар хил аъзоларнинг туғма нуқсонлари – 23,4% ни ташкил қилди.

Ишнинг мақсади ва олдинга қўйилган вазифаларига мувофиқ равишда катта ҳажмда текширувлар олиб борилган. Тимусда ҳар хил патологик ҳолатларда ривожланадиган морфологик ўзгаришларни тартибга солиш, ҳамда бир хил шакл учун органнинг ҳар бир морфологик белгисини баҳоловчи алгоритм тузилган. Бу алгоритмни тузишда тимуснинг меъёр ҳамда патологик жараёнлардаги морфофункционал ўзгаришларни кўрсатувчи белгиларини маълум бир тартибда рақамлаб олинган. Тимусда ривожланадиган патологик ҳолатлар ва акцидентал инвалюциясининг 5 та даражаси қаторларида, уларга хос ўзгаришлар борларини «+», йўқларини «-» белгиларини қўйган ҳолда таҳлил қилинди. Бу жадвал асосида тимуснинг ҳар бир патологик ҳолатига хос белгилар ушбу алгоритм асосида аниқланди. Қўлга киритилган миқдорий маълумотларга статистик ишлов берилган.

Тимус бўлаклари алоҳида-алоҳида 1x1см катталиқда кесиб олиниб фосфат буфери эритмасида тайёрланган 4 % нейтрал формалинга солиб қотирилди. Спиртда ва хлороформда суви қочирилгандан кейин бўлақлар парафин блокларига қуйилди. 5-8 мкм қалинликдаги тўқима кесмалари гематоксилин ва эозин билан, Ван-Гизон, ҳамда ШИК-реакцияси усулида бўялди. Бўялган тимус тўқимаси кесмалари ёруғлик микроскопи остида кўрилиб, ҳар томонлама ўрганилди ва ҳар бирида топилган микроскопик ўзгаришлар қоғозга ёзиб чиқилган ва керакли соҳалари расмга олинган.


Тимуснинг морфометрик текшируви Г.Г. Автандиловнинг МОВ -1-15х окулярмикромметр ва окуляр тўри ёрдамида амалга оширилди. Қўлга киритилган морфометрик маълумотларнинг ишончлилик даражаси Стьюдентнинг t-мезони орқали баҳоланди.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7,0» персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди.


Диссертациянинг «**Назорат гуруҳида тимуснинг морфологик ўзгаришлари таҳлили**» деб номланган учинчи бобида назорат гуруҳига кирган тимуслар (18 та аутопсия материаллари) текширилганда шу ҳолат аниқландики, у гистоморфологик жиҳатдан юпқа бириктирувчи тўқима

тутамлари билан бир-биридан ажралиб турадиган ҳар хил катталиқдаги бўлақлардан иборат.

Морфологик жиҳатдан тимуснинг ангиоархитектониқаси ўзига хос томирлар тўридан иборат. Тимус бўлақчалари оралиғи трабекулаларда жойлашган артериялар девори нисбатан қалин ва барча артериялар тузилишига ўхшаб, ички эндотелий қоплами, унинг остида базал мембрана, кейин эластик толалар қатлами, кейинги навбатда 4-5 қатордан иборат силлиқ мушак ҳужайралари қавати, ташқи томондан бириктирувчи тўқимали адвентиция ўраб олган (1-расмга қаранг). Тимус бўлақчалари пўстлоқ қаватидаги артериолаларнинг ўзига хос белгиси, бу уларнинг асосан ретикулоэпителий ҳужайраларига туташиб жойланиши ҳисобланади (2-расмга қаранг).



1-расм. Назорат гуруҳи. Тимус бўлақлари орасидаги томирлар тутами, артерия девори қалин, лимфа томирда некрозланган ҳужайралар мавжуд. Бўёқ: Г-Г. Х: 10x40.



2-расм. Тимус бўлақларига кириб борувчи периваскуляр трабекулалар. Артерия, веналар ва адвентицияда лимфоцит, макрофаг, лейкоцитлар жойлашган. Бўёқ: Г-Э. Х: 10x20.

Капиллярлар одатий тузилишга эга, яъни, ички юзасидан эндотелий билан қопланган, унинг тагида базал мембранаси мавжуд, уларни ҳам атрофидан ретикулоэпителий ҳужайралари ўраб олган. Тимуснинг пўстлоқ қаватидаги капиллярлар эндотелийси, махсус гематотимик тўсиқ (гистион) билан ҳимояланган. Бу тўсиқни томир деворидаги базал мембрана, атрофидаги макрофаглар ва ретикулоэпителий ҳужайралари мустаҳкамлайди.


Бунга сабаб қон таркибидан ўзак лимфоцитлар тимус тўқимасига мунтазам равишда миграцияланиб туришига шароит яратилган. Аслида уларнинг девори оддий тузилишга эга, яъни ички юзасидан бир қатор эндотелий ҳужайралари билан қопланган, уларнинг остида аргирофил ва ретикуляр толалардан иборат базал мембрана ўрин олган.

Тимус бўлақлари пўстлоқ қавати субкапсуляр соҳасида ретикулоэпителий ҳужайралар нисбатан зичроқ жойлашган, қаватнинг оралиқ соҳасига кирган сари бу ҳужайралар сийраклашиб, уларнинг оралиғи Т-лимфоцитлар билан тўлган. Мағиз қавати гистологик жиҳатдан нисбатан очроқ бўялган, таркибида стромал тузилмалар, яъни ретикулоэпителий ҳужайралари кўп ва кенг тармоқли тўр пайдо қилган. Бу қаватнинг ўзига хослиғи, ҳар хил катталиқдаги ва ҳар хил даражада дифференциаллашган Гассал таначаларнинг борлиғи ҳисобланади. Айрим ҳолларда


ретикулоэпителий хужайраларнинг тутамлар пайдо қилиб жойланишини, нисбатан майда хужайралардан иборатлиги ва тимик таначалар билан туташганлигини кўриш мумкин. Гассал таначалар ҳали функционал жихатдан фаол ҳолдалигида улар бўшлиғида кальций тузлари тўплана бошлайди, ташқи ретикулоэпителийли пардаси бутунлигида марказидаги некроз деярли тўлиқ ҳолда оҳакланади. Гассал таначалар пайдо бўлиш морфогенезини, ўзгаришларининг кучайиб бориши ва дегенератив даврига ўтишини ўрганишда, уларнинг функционал жихатдан фаоллиги ўлчамларига, тузилишига ва таркибий қисмига боғлиқ эканлиги тасдиқланди.

Ушбу морфологик мезонларни тизимлаштириш оқибатида Гассал таначаларнинг ривожланиш фазалари аниқланди. Меъёрий ҳолатда Гассал таначалар тузилиши ва фаоллик ҳолати бўйича 3 та фазаси фарқ қилинди: ташкил топиш даври; такомил топиш даври; дегенерация даври. Ҳар бир даври ўз навбатида маълум даражадаги морфологик белгиларга эга, яъни, хужайралар таркиби ва тузилиши, ўрама пайдо бўлиши, қат-қат аморф модда, кисталар ва оҳакланишнинг пайдо бўлиши билан намоён бўлди.

Диссертациянинг «**Неонатал сепсисда тимусдаги патоморфологик ўзгаришлар таҳлили**» деб номланган тўртинчи бобида неонатал сепсисдан нобуд бўлган чақалоқлар тимуси морфологик жихатдан ўрганилганда айрим ҳолларда тимус тўқимаси туғма ҳолда тўлиқ такомил топмаганлиги, айрим тўқима тузилмаларининг гипоплазияси ва дисплазияси мавжудлиги аниқланди.



3-расм. Тимус гипоплазияси, ретикулоэпителий хужайраларнинг йўқлиги. Бўёк: Г-Э. X: 10x10.



4-расм. Тимус гипоплазияси, тўқимасининг бўлакчаларга ажралмаганлиги, ретикулоэпителий хужайраларнинг камлиги ва тўпланиш жараёнига учраганлиги. Бўёк: Г-Э. X: 10x10.

Тимус тўқимаси таркибий қисмларидан аксарият ҳолларда ретикулоэпителийли стромаси гипоплазияга учраганлиги кузатилди. Бунда микроскопик жихатдан тимус бўлакчлари таркибида ретикулоэпителий хужайралари фақат субкапсуляр ва периваскуляр соҳаларда борлиги, бошқа оралик соҳаларда йўқлиги кузатилди. Шунинг учун тимус тўқимаси сийрак ва асосан тарқоқ ҳолда жойлашган лимфоцитлардан иборатлиги аниқланди (3-расмга қаранг).

Гипоплазия жараёнининг бошқа ҳолларида тимус тўқимасида бўлакчалари тўлиқ ташкил топмаган, тўқимаси умумий тузилишга эга бўлиб,

чет қисмларида атрофдаги бириктирувчи тўқимали стромаси бироз ботиб кирганлиги, лекин тимус тўқимасини бўлақларга бўлмаганлиги кузатилди (4-расмга қаранг).

Шу билан биргаликда тимус бўлақлари орасида бириктирувчи тўқима билан бир қаторда ёғ тўқимаси ҳам ўсганлиги кузатилади. Тимус тўқимасидаги структур бирликларнинг гипоплазия ҳолати кўпинча дисплазия жараёни билан бирга ривожланганлиги кузатилади. Бунда тимус бўлаги пўстлоқ қаватида бириктирувчи тўқима ва унинг толали тузилмаларининг етарли даражадаги тутамлари мавжудлиги аниқланади. Хатто бириктирувчи тўқимали тутамлар мағиз қаватигача кириб борганлиги ва Гассал таначалари билан туташганлиги кузатилади.

Тимус бўлақчалари гипоплазия ҳолатида, ҳар хил шакл ва катталиқдалиги, таркибида асосан ретикулез ривожланганлиги, мағиз қавати йирик кистасимон бўшлиқга ўхшаш Гассал таначалардан иборатлиги кузатилади. Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай инфекция жараёнида ички аъзоларда, жумладан, тимусда ҳам дисциркуляция жараёнлари ривожланганлиги, кўпинча томирлар тўлақонлиги ва периваскуляр қон қуйилишлар ривожланиши кузатилади. Тимус тўқимаси микроскопнинг катта объективида кўрилганда аниқланадики, эрта неонатал сепсис таъсирида дисциркуляция ва шиш ҳисобига бўлақчалар катталашган, оралиқ тўқимаси кенгайган, паренхимасида ҳам шиш ривожланишидан қаватлари аниқ фарқ қилинмайди. Пўстлоқ қавати таркибидаги барча микроциркулятор томирлар тўлақонли, мағиз қаватга яқин соҳаларида периваскуляр қон қуйилишлар пайдо бўлганлиги кузатилади. Гассал таначалар ҳар хил катталиқда бўлиб, аксарияти деструкцияланган, яъни уларнинг ретикулоэпителий ҳужайралари парчаланиб, фрагментацияланган.

Эрта неонатал сепсиснинг нисбатан узокроқ вақт давом этганида тимусда паренхима ҳужайраларининг атрофия ва деструкцияси, строма тузилмаларининг гипертрофияси ва гиперплазияси кузатилади. Бунда тимус бўлаги пўстлоқ қаватида ретикулоэпителий ҳужайраларнинг пролиферация ва гипертрофияси ҳисобига пўстлоқ қават тўқимасининг зичлашганлиги кузатилади. Пўстлоқ ва мағиз қаватлар оралиғи соҳасида посткапилляр венулалар гиперплазияланган, кенгайган, девори орқали лимфоцитларнинг миграцияланишига хос ўзгаришлар пайдо бўлган. Бу соҳадаги лимфоцитлар нисбатан гиперхромиялашган, алоҳида-алоҳида тўпламлар пайдо қилиб жойлашган, Гассал таначалари бор соҳаларда лимфоцитларнинг миқдори кўпайган.

Бу ўзгаришлар тимус акцидентал трансформациясининг 3-даврига тўғри келиб, мағиз қават таркибида фаол лимфоцитларнинг миқдори кескин кўпайганлигидан, бу қават гистологик жиҳатдан тўқроқ бўлганлиги кузатилади. Эрта неонатал сепсис узок вақт давом этган ҳолатларда тимус тўқимасининг чуқур даражадаги АТ ва орттирилган атрофияга учраганлиги кузатилди. Тимус бўлақлари фақат строма тузилмаларидан ташкил топганлиги, бўлақлар коллапсланганлиги ҳисобига строма тузилмаларининг бир жойга йиғилиб, бужмайганлиги кузатилади. Бу турдаги строма

тузилмалари орасида йирик кистага айланган Гассал таначалари борлиги тасдиқланади. Бундай атрофияланган бўлакчалар орасида бириктирувчи тўқима тутамлари қалинлашиб, фиброзлашганлиги ва бўлакчалар таркибига кириб борганлиги кузатилади.

Чала туғилган чақалоқлар тимусида кечки неонатал сепсис таъсиридаги ўзгаришлар морфологик жиҳатдан эрта неонатал сепсисдаги ўзгаришларга ўхшаш тусда намоён бўлади. Агар кечки неонатал сепсис етилиб туғилган чақалоқларда ривожланса, тимусда ривожланадиган патоморфологик ўзгаришларнинг аксарияти акцидентал трансформация фазалари билан давом этганлиги кузатилди. Дастлаб тимусда кучли дисциркуляция, шиш, тўқиманинг титилиши ва деструкцияси ривожланади. Бу фазада тимус бўлакчалари оралиғи бириктирувчи тўқимасида ҳам кучли шиш, унинг макрофаглар, лимфоцитлар, лейкоцитлар ва семиз хужайралар билан инфильтрацияланиши аниқланади.

Гассал таначалар сийраклашиб, шишга учраган, айримлари кастасимон кенгайган, таркибида некроз моддаси аниқланади. Бўлакча стромасидаги ретикулоэпителий хужайралар ва макрофаглар гипертрофияланиб, фагоцитозлик хусусияти ошиб, ўз атрофига бир қанча лимфоцитларни тўплаб, «энага хужайралар» кўринишидаги йирик кўп ядролу тузилмаларни пайдо қилади. Тимус АТнинг бу фазасида бўлакчалар пўстлоқ қаватида аксарият лимфоцитларнинг апоптоз усулида нобуд бўлиши ва макрофагларга фагоцитозланиши оқибатида лимфоцитлар миқдори кескин камаяди. Лимфоцитлар эса сийрак жойлашган, ядролари гиперхромли, бироз йириклашган, орасида макрофаглар томонидан фагоцитозланганлари ҳам учрайди.

Гассал таначалар оралиғида кўп сонли лимфоцитлар тўпланган ва уларнинг ядролари гиперхромли, шакли ҳам бироз катталашганлиги, уларнинг фаоллашганлигидан далолат беради. Гассал таначалар эса кистоз бўшлиқларга айланган, таркибида некроз ва кальциноз ривожланган.


Сепсис касаллиги оқибатида ривожланган тимуснинг АТ 4- ва 5- фазаларида бўлакчалар кескин кичиклашиб, бужмайиб, атрофияланади. Сепсис жараёнига хос бўлган патоморфологик ўзгаришлардан асосийси, тимус стромасини ташкил қиладиган ретикулоэпителий хужайралар цитоплазмасида майда донадор, оч рангли дистрофия маҳсулотларининг тўпланишидан уларнинг ҳажми катталашади.

Неонатал сепсисдан атрофияланган тимусда Гассал таначаларнинг морфологик ва морфометрик кўрсаткичларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, таначалар ривожланиш даврларининг барча фазаларида патологик ўзгаришлар ривожланиши кузатилди. Ўлчамлари меъёрдагидан (75 мкмгача) икки-уч баробар катталашганлиги, яъни 175 мкмгача ва йирик кистоз бўшлиқлар пайдо қилганлиги аниқланди. Таначалар орасида дегенератив ўзгарганларининг миқдори кўпайганлиги ва оҳакланганлари кўплиги кузатилди. Таначалар хужайраларида ядроларнинг йўқолиши, аморф модданинг кўпайиши, уларнинг функционал жиҳатдан сусайганлигидан




далолат беради. Натижада таначалар атрофи мағиз қавати тўқимасида сезиларли даражада делимфатизация ривожланганлиги аниқланди

Дисплазияга учраган бириктирувчи тўқима ҳужайралари цитоплазмасида метаболизмнинг чала парчаланган маҳсулотлари тўпланиб, купиксимон ва оч вакуоллашган ҳужайраларга айланади. Метаплазияга учраганлари цитоплазмасида томчилари пайдо бўлиб, адипозоцитларга, яъни, ёғ ҳужайраларига айланади (5-расмга қаранг).



5-расм. Тимус паренхимаси ва стромасида семиз ҳужайралар ва бўлакчалар ташқи пардасида ёғ ҳужайраларининг пайдо бўлиши. Буёк: Г-Э. X: 10x20.



6-расм. Бўлакча четига ёғ ҳужайралари ўсиб кириб, ретикуляр ва лимфоцит ҳужайраларни четга сурган. Буёк: Г-Э. X: 10x20

Айрим ёғ ҳужайралари тимус бўлаклари паренхимасига ўсиб кириб, ретикуляр стромасининг ўрнини эгаллайди ва паренхима ҳужайралари бўлган ретикулоэпителий ҳужайраларини ва лимфоцитларни четга суради ва уларнинг орасига кириб бориб, уларни деструкцияга ва дисрегенерацияга учратади. Бу ҳужайралар орасидаги муносабат бузилади (6-расмга қаранг).

Тимус паренхимасига ўсиб кирган ёғ тўқимаси тимус бўлаклари гистотопографиясини бузади, натижада сақланиб қолган тимус паренхимасидаги ўзининг хос ҳужайралари, яъни ретикулоэпителий ва лимфоцитлар бетартибсиз жой эгаллайди. Тимус бўлаклари атрофидаги бириктирувчи тўқима таркибида пайдо бўлиб кўпайган ёғ тўқимаси, тимус паренхимасининг атрофияланишини тезлаштиради. Бу эса тимус бўлаклари стромасидаги ретикуляр ва ретикулоэпителиал ҳужайраларнинг атрофияланиб, сонининг кескин камайишига олиб келади. Натижада тимус паренхимасида бўшлиқлар пайдо бўлиб, фаол бўлмаган лимфоцитлар билан тўлади. Кейинчалик ўсиб кўпайган ёғ тўқима тимус бўлаги строма тузилмалари бўйлаб мағиз қаватга ҳам кириб боради. Сақланиб қолган бўлакча паренхимаси таркибида лимфоцит ва макрофаглардан ташқари бошқа қон ва семиз ҳужайралар пайдо бўлади.

Диссертациянинг «**Неонатал сепсисда тимусда ривожланган патоморфологик ўзгаришларнинг алгоритмли ва морфометрик таҳлили**» деб номланган бешинчи бобида материалнинг клиник морфологик таҳлили натижаларига кўра жами 47 та аутопсия материалдан 7 (14,89%) таси энг оғир, яъни IV-даражали чала туғилганларни ташкил қилди. I-даража оғирликдаги аутопсия материални эса 15 (31,91%) чала туғилган чақалоқлар (улардан 10 (21,27%) ўғил, 5 (10,64%) таси қиз) тимуси ташкил этди. Ушбу

олинган натижани алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, деярли барча гуруҳларда ўғил болалар ( 30 63,82%) кўпчиликни ташкил қилди. Бу эса ўғил ҳомиланинг ҳар хил экологик таъсиротларга кўпроқ берилувчанлигидан ва морфофункционал жиҳатдан орқада қолиб, кўпроқ чала туғилишидан далолат беради.

Асосий гуруҳдаги барча чала ва етилиб туғилган чақалоқлар неонатал сепсис даврларига нисбатан таҳлилига кўра эрта неонатал сепсис билан 50 60,24 % чақалоқлар, кечки неонатал сепсис билан эса 33 (39,76%) нафар чақалоқлар дунёга келган. Чала туғилган чақалоқларнинг 29 (34,93%) нафари эрта неонатал сепсис билан, 18 (21,68%) нафари эса кечки неонатал сепсисга учраганлиги маълум бўлди. Мувофиқ равишда таҳлил шуни кўрсатдики, эрта неонатал сепсис билан етилиб туғилганлар 25,3% (21 та), кечки неонатал сепсис билан 15 18,08% ни ташкил этди (1-жадвалга қаранг).

### 1-жадвал

#### Чала ва муддатида туғилган чақалоқлар неонатал сепсис даврига кўра тақсимланиши

Неонатал сепсис даври	Туғилиш тури				Жами	
	Чала туғилганлар		муддатида туғилганлар			
	abs	%	abs	%	abs	%
Эрта	29	34,93	21	25,30	50	60,24
Кечки	18	21,68	15	18,08	33	39,76
<b>Жами</b>	<b>47</b>	<b>56,6</b>	<b>36</b>	<b>43,4</b>	<b>83</b>	<b>100%</b>

